

**XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-24>

**Исакова Феруза Рахмановна,
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошларида Фарғона водийси қишлоқларидаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, халқ хўжалигига Янги иқтисодий сиёсатни таъсири, унинг ижтимоий соҳада оғир муаммоларни юзага чиқариб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги, бунинг натижасида ишсизлик ўсиб борганлиги ва очарчилик масаласи асосий масала бўлиб қолганлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, бозор муносабатлари, инфляция, очарчилик, қашшоқлик, Россия, ҳарбий коммунизм, қишлоқ хўжалиги, “тенглаштириш” сиёсати.

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В КИШЛАКАХ
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В НАЧАЛЕ 20-Х ГОДОВ XX ВЕКА**

**Исакова Феруза Рахмановна,
старший преподаватель Андижанского государственного университета**

АННОТАЦИЯ

В статье описываются социально-экономические перемены в кишлаках Ферганской долины в начале XX века, даются сведения о влиянии Новой экономической политики на народное хозяйство, в результате чего возникают противоречия в социальной сфере, возрастает число безработных и проблема голода становится основной проблемой.

Ключевые слова: социально-экономическая жизнь, рыночные отношения, инфляция, голод, бедность, Россия, военный коммунизм, сельское хозяйство, политика “уравнения”.

**SOCIO-ECONOMIC PROCESSES IN THE VILLAGES OF THE
FERRAGNA VALLEY IN THE EARLY 20S OF THE TWENTIETH
CENTURY**

**Isakova Feruza,
Senior teacher of Andizhan State University**

ANNOTATION

The article describes the socio-economic changes in the villages of the Fergana Valley in the early twentieth century, provides information about the impact of the New Economic Policy on the national economy, resulting in contradictions in the social sphere, the number of unemployed increases and the problem of hunger becomes the



main problem.


Keywords: socio-economic life, market relations, inflation, hunger, poverty, Russia, military communism, agriculture, the policy of “equation”.

Туркистонни Россия томонидан забт этилиши натижасида ўлка табиий бойликлари, қишлоқ хўжалиги ва айни пайтда маҳаллий аҳоли тўла-тўқис империя манфаатларига бўйсундирилди. Хусусан, Россия ўз тўқимачилик саноати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Туркистонда ғалла экишни қисқартириб, унинг ўрнига кўпроқ пахта экишни қўллаб қувватлади. Бундай сиёсат охиروқибатда Туркистонда асрлар давомида шаклланган, ўлка аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга асосланган тизимни издан чиқишига, яъни ўлка аҳолисининг таъминотиغا салбий таъсир қилди.

XX аср 20-йиллари бошларига келиб деҳқонлар ва бутун аҳолининг моддий ва ижтимоий аҳволи кескин ёмонлашди. Ер, боғ-роғлар, агроучасткаларни ўйламасдан мусодара қилиш, булардан билиб-билмасдан фойдаланиш, шунингдек озиқ-овқат развёрсткаси ишлаб чиқарувчи кучларни емириб, халқ хўжалигига катта зиён етказди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати Туркистон Автоном Республикаси халқ хўжалигининг барча тармоқларини тушкунлик ҳолатига, айниқса, аграр соҳани ҳалокатли аҳволга олиб келди. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилги даражага нисбатан 1921 йилда 48,8 фоизга қисқарди. Суғориш иншоотлари мисли кўрилмаган даражада барбод бўлди. Чорвачиликка жиддий зиён етди. Чорва моллари 1920 йилга нисбатан 3 баравардан зиёдроқ қисқарди: 1915 йилда мавжуд бўлган 24 миллион бошдан фақат 8.112 минг бош мол сақланиб қолган эди 1 . 1921 йилда эса бу жараён яна ҳам кучайди. Деҳқон хўжаликлари ва ишга яроқли аҳолининг сони сезиларли равишда камайди. Хусусан, 1921 йилнинг бошларига келиб деҳқон хўжаликларининг сони 1915 йидагига нисбатан 15 фоиз, уларда ишловчи ишга яроқли эркакларнинг сони 36 фоиз қисқарди . Бошқача айтганда, оилаларни учдан бир қисмидан кўпроғи боқувчисиз қолди. “Социалистик жамиятни барпо этиш” вазифасини амалга оширишга янги тактик ёндашувлар 1921 йил март ойида РКП(б)нинг X съездида расмий қабул қилинган янги иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотикни эркинлаштириш, саноатда, хизмат кўрсатиш ва майда хунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка руҳсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди[1].

Қайд этиш лозимки, янги иқтисодий шароитга ўтишдаги энг муҳим ижтимоий муаммо - бу очарчиликка қарши кураш масаласи бўлган. Очарчилик бу бирданига юзага келган ҳолат бўлмай, аслида унинг келиб чиқиши I-Жаҳон уруши оқибатлари, сўнгра 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар иқтисодий сиёсатининг ҳосиласи боис юзага келган ўта оғир инқироз билан бевосита боғлиқ бўлган ўлкада очарчилик, айниқса Фарғона вилоятини кескин



қамраб олди. Совет ҳокимиятига қарши олиб борилган ва бир неча йил давом этган қуролли қаршилик ҳаракати, советлар томонидан амалга оширилган “ҳарбий коммунизм” сиёсати бир пайтлар Туркистон ўлкаси “марвариди” бўлган, гуллаб-яшнаган водийни хонавайрон ва пароканда ҳудудга айлантирган эди.


Фарғона водийси қишлоқларидаги бир неча йиллик уруш, талончилик, хонавайрончилик домига тушиб қолган аҳолини айнан очарчилик ва қашшоқчилик балосига гирифтор бўлган эдилар. Умуман олиб қараганда Туркистон МИҚ Фавқулодда комиссиясининг маълумотида кўра фақатгина 1921 йилнинг сентябрь-октябрь ойларидагина Фарғона вилоятида 80 029 та хўжалик хонавайрон бўлган, очликка маҳкум бўлганлар 227 059 нафарни, очликдан вафот этганлар эса – 64 336 нафар кишини, йўқчиликдан ўлим хавфи чанг солаётганлар – 459 959 нафар шахсни ташкил этган[2]. Шубҳасиз, мазкур расмий маълумот ўз навбатида вилоят бўйича очликдан азият чекаётганларнинг ҳақиқий ҳолатини очиқ бера олмайди, албатта.

Архив ҳужжатларида “хонавайрон бўлган қишлоқлар ва очарчиликка ҳукм этилган ҳудудларидаги кўча ва йўл бўйларида ҳар куни очликдан ўнлаб кишиларнинг мурдалари ётар...баъзи қишлоқларда уларни олиб кетадиган одамларнинг ўзи ҳам булмаган”лиги тўғрисида хабар берилади[3].

Туркистон ХКК раиси Қ.Отабоев вазиятни ўрганиш учун 1922 йил февралда вилоятнинг қатор ҳудудларида бўлади. Шу йили 19 февралда Фарғона вилояти инқилобий кўмитасида ўтказилган мажлисда Қ.Отабоев ва И.Хидиралиевлар иштирок этиб, Фарғонадаги вазият оғир бўлганлиги боис водийда йиғилаётган озиқ-овқат солиғини бекор қилиш, вилоятга тезлик билан нон, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш заруриятини таъкидлашди. Туркистон МИҚ вилоятдаги оғир аҳволни тан олган ҳолда 1922 йил 11 майдаги Қарорида Фарғонани очарчиликка учраган ҳудуд деб эълон қилади. Лекин, бу ёрдам фақат 1922 йил ёзидагина амалга ошди.

Комиссия ўз эътиборини очликдан ўта азият чекаётган Фарғона водийсига ҳам қаратди. 1922 йил ўрталарида очларга ёрдам берувчи махсус вилоят комиссияси – Фероблгол ташкил этилди. Комиссия Фарғона аҳли, айниқса қишлоқ аҳолисига ёрдам борасида маълум ишларни амалга оширди. Жумладан, у хонавайрон бўлган хўжаликларга озиқ-овқат ва молиявий ёрдамларни уюштирди. Комиссия қаноти остида бир гуруҳ маҳаллий тиббиёт ходимлари ҳамда 20 та россиялик Қизил Хоч ташкилоти отрядлари иш юритди, қатор овқатланиш, фельдшерлик пунктлари, иккита гўдаклар уйи ташкил қилинди[4].

Лекин, бу ёрдам асосан вилоятнинг катта шаҳарларидагина амалга оширилди, қишлоқ ҳудудларига эса бундай кўмак деярли етиб келмас эди. Қишлоқ ҳудудларидаги мисли кўрилмаган очарчилик тўғрисида очарчилик оқибатларини тугатиш Фарғона вилоят комиссияси материалларида ҳам қисман хабар берилади[5]. Шуларнинг бирида: “1921-1923 йиллардаги очарчилик даврида очларнинг асосий қисми ўт-ўлан ва бошқа ердан чиққан нарсалар билан озиқланишар, бундан эса касалликлар авж олар, ўлим ҳолатлари, айниқса болалар ўлими кучайиб кетар эди. Шаҳарлар очларга тўлиб кетган бўлиб, уларнинг кўпи



масжид ва қабристонлардан паноҳ топишар, қолганлари кўчаларда ётишар эди. Уларнинг барчаси очликдан ва талончиликдан хонавайрон бўлган... маҳаллий аҳоли эди”,-дея ёзилган эди[6]. Айнан юқорида номи қайд этилган комиссия Ферганаоблпослеголаннинг хабарига кўра “талон-тарож қилинган ва оч қолган қишлоқларда кўча ва йўл бўйларида ҳар куни очликдан ўлим топган ўликлар...” ётиши қайд қилинган эди. Маҳаллий қишлоқлардан бири комиссиядаги қуйидаги даҳшатли хабар билан мурожаат қилган эди. Унинг айтишича, “у станцияга қадар 20 верст йўл босиб ўтиши давомида мол-мулклари – кўрпа-кўрпача, ёстик, кетмонлари билан ўлиб ётган 17 нафар янги мурдаларни” кўрганлиги, “улар бозорга охириги буюмларини сотиб кун кўришга ҳаракат қилиб, лекин, ўта ҳолсизликдан ўлганликларини” айтади. Ушбу комиссия ўз ҳисобот докладини давом эттира туриб, “очларнинг ўлими шунчалик авж олиб кетганки, баъзи кунлари уларни юзлаб нафар йиғиб олиними, ..кўмиб улгурилмаётганлиги”, ён-атрофга ўта бадбўй хид тарқаб кетганлиги қайд этилади. Бир бурда нон учун ҳатто “болаларни ҳам сотиш ҳолатлари” ҳам содир бўлаётганлиги, Кўқон ва Марғилон уездларида эса оғир безгак касаллигидан юзлаб одамлар азият чекаётганлиги тўғрисида фактлар келтирилади[7].

Архив хужжатларидаги маълумотларга кўра 1922-1923 йиллардаги очарчиликнинг янги тўлқини вақтида Фарғона вилоятидаги оч қолган аҳолининг сони 500 мингга яқин бўлган[8].

Вилоятда жойлашган 40 минг нафар қизил аскарлардан иборат кўшин ҳам айнан қишлоқ аҳолисини талон-тарож қилар, “босмачиликка қарши кураш” баҳонаси остидан улардан дон-дун, озиқ-овқат, мол-ҳолларининг тортиб олишарди. Бу эса ўз навбатида талончилик, очарчилик, зўравонлик ва ҳақсизликдан чарчаган аҳолини шаҳарларга, тоғ-тошларга, баъзида Қашғар томонга қочишга мажбур этар эди[9].

Ҳарбий коммунизм қишлоқ ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлиги, норози деҳқонлар “босмачилик” ҳаракати сафига бежиз ўтиб кетмаганликларини Туркистон компартияси МҚ котиби Н.Г.Тўрақулов шу партиянинг VI Съездидаги докладда ҳам эътироф этган эди[10].

Совет ҳукумати ўз сиёсати моҳиятини мутлақ ҳақ деб билган ҳолда Фарғона қишлоқ аҳолисига нисбатан уларнинг норозилигини душманлик дея баҳолаб, шавқатсиз чоралар ҳам кўрган. Фавқулодда қўмита ва бошқа совет органларининг қишлоқларда суриштирувсиз жазо ва ҳибсга олишлари одатий ҳолга айланиб бўлган эди. Хусусан, Туркистон МИҚнинг 1921 йил 18 июндаги махсус қарорига кўра “босмачилар ва уларга ҳайрихоҳ шахслар учун” тегишли контрацион лагерлар барпо этиш белгилаб қўйилди[11].

Гарчи янги иқтисодий сиёсат даври бошланган бўлсада, лекин “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг маълум кўринишлари сақланиб қолинган эди. Булар қаторида оч қолганлар учун йиғиладигон солиқ – “голналог” бўлиб, у айниқса қишлоқ аҳолиси зиммасига оғир юк бўлиб тушар эди. Масалан, биргина Фарғона вилояти аҳолисидан оч қолган аҳоли учун 6 600 пуд турли маҳсулотлар йиғиб олинган эди. Ўсиб бораётган аҳоли норозилигининг ҳолатини юмшатиш

мақсадида ушбу солиқ кейинчалик (1923 йил январь) бекор этилган эди[12].


Янги иқтисодий сиёсат деҳқонлар ижтимоий турмуш тарзида ҳам ўзгариш ясади. Шу даврдаги қишлоқ, хусусан Фарғона қишлоқ аҳли ижтимоий ҳаётида табақалашув содир бўлди. Мазкур ҳолатни аҳоли камбағал қатламларининг турмуш тарзининг яхшиланиши ва қишлоқ бадавлат, ўзига тўқ хонадонлари моддий турмуш тарзининг кескин даражада пасайишида яққол кўриш мумкин эди. Коммунистик партия ва совет ҳукумати масалага синфий-партиявий ёндашув моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Янги иқтисодий сиёсат бошланган даврда ҳам йирик ер эгалари, мулкдорлар, бой ва руҳонийлар таъсир доирасини чеклаш борасида қатъий сиёсат олиб борди. Гарчи советлар мамлакатаида мулкчиликнинг турли шакллариининг ҳаёт кечиришлари эътироф этилган бўлсада, лекин ерга эгалик борасида зўрлаб тенглаштириш, мулкдорлар ҳақ-хуқуқларини поймол этишга алоҳида урғу берилди.

Ерларни “меҳнаткаш омма” – чорикор, ерсиз, кам ерли, камбағал деҳқонлар кўлига ўта бошлаши, ер ва сув муносабатларини реконструкция қилиниши, совет аграр сиёсатида ер эгаларига нисбатан салбий муносабат – буларнинг барчаси қишлоқдаги ижтимоий ҳолатга ҳам бевосита таъсир кўрсатди.

Шу ўринда тан олиш лозимки, НЭПнинг бошларида, аниқроғи 1921-1922 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳоти қишлоқ ижтимоий таркибини кўп ҳам ўзгартирмади[13]. Аксинча, 20-йиллар бошида ўрта ҳол деҳқонларнинг бадавлат хўжаликларига айланиши ҳам рўй бера бошлади. Қишлоқда юзага келган, советлар томонидан турли даражадаги юзага келтирилган камбағаллар ва бошқа шунга ўхшаш уюшмалар (комбедлар, “Кўшчи” иттифоқи, совхозлар, қишлоқ хўжалиги артеллари ва бошқалар) ижтимоий аҳволни кутилганидек ўзгартирмади. Совет ҳукумати ўйлаганидек камбағал деҳқонлар, ерсиз қашшоқ қишлоқ аҳлининг бойларга қарши чиқишлари деярли содир бўлмади. Қишлоқда партиянинг пролетар ғоялари аксарият муваффақият қозонмади. Бу даврда қишлоқдаги асосий фигура барибир бой шахси бўлиб қолди. Бой иқтисодий жиҳатдан энг кучли шахс эди. Бой хўжалик юритишда ёлланма меҳнат туридан фойдалансада, лекин умуман олиб қараганда у анъанавий, ўрта аср хўжалик юритиш услубларини кўллаган. Маҳаллий шароит учун бойлар уч гуруҳга: йирик, ўрта ва кичикларга бўлинган.

Йирик бойлар кўлида 30-50 ва ундан кўп десятина ер бўлган. Айнан шу бойлар, уларнинг сони водий бўйича кўп бўлмасада, қишлоққа капиталистик элементларини олиб киришган. Масалан, улар иш кучини ёллашар, қишлоқ хўжалик инвентарини олиб киришар, пахтани олиб чиқиб кетишар, унга бирламчи ишлов бериш учун корхона барпо этишар, судхўрлик ва савдо-сотик билан шуғулланишар эди. Ўрта бойлар ҳам шу йўналишда иш олиб бориб, уларнинг ери 15-20 десятина ва ундан ортиқроқ бўлар эди. Кичик бойлар кўлида 7-10 десятина ва ундан ортиқ ерлар жам бўлган[14]. Фарғонадаги кичик бойлар бозор эҳтиёжларига қараб иш юритишга ҳаракат қилишар, уларнинг орасида шаҳарларда уй-жойи, дўкони борлари ҳам кўп бўлган.

Бойлардан сўнг қишлоқ ижтимоий ҳаётида руҳонийлар (мулла, эшон,




муддарис, имом ва бошқалар) турган. Бу иккала синф эгалари қишлоқда сон жиҳатидан кўпчилиқни ташкил этмаган бўлсада (1917 йили – 19,3% - муаллиф), лекин ижтимоий ҳаёт бобида ҳукмронлик айнан уларга тегишли бўлган[15].

1917 йил ва Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки даврларда ўзбек қишлоғидаги яна бир ижтимоий қатлам бу – ўрта ҳол деҳқонлар бўлган. Ўрта ҳол деҳқоннинг ўз ери, ишчи ҳайвони, иш қуроллари бўлган. Баъзи ўрта ҳол деҳқонлар ўз ери билан бир қаторда ишлаш учун ижарага ер ҳам олганлар. Фарғона қишлоқ ўрта ҳол деҳқонларининг баъзилари (кам ҳолда) ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Туркистон ўлкаси бўйича 1917-1918 йилларда А.Йўлдошевнинг маълумотларига кўра қишлоқдаги энг кўп ижтимоий қатлам бу – камбағал ва ерсиз деҳқонлар бўлган (70,1%) [16]. Уларга камбағал (ери бир десятинагача), деҳқон, ерсизлар, қароллар, етимлар, мардикор ва бошқалар кирган. 1917-1918 йилларда Фарғона вилоятида ери 1 десятинага қадар бўлган камбағал деҳқонлар сони қишлоқ аҳолисининг жами 51% ни ташкил этган. Наманган уездида эса уларнинг сони энг кўп 58% га етган. Лекин, бу деҳқонлар вилоят бўйича жами экин ерларининг 9,8% ни ташкил қилган ҳолос[17]. Фарғона қишлоқ ижтимоий ҳаётидаги яна бир қатлам 1 десятинадан 3 десятинагача ери бўлган кичик ер эгаллиги мавжуд бўлган майда хўжалиқлар бўлган. Фарғона вилоятида улар 30% га яқинни ташкил этиб, қўлларида жами 23,4% ер мужассам бўлган эди. Ушбу хўжалиқлар аксарият шу хўжалиқ аъзолари меҳнати эвазига кун кечирар, мазкур хўжалиқларнинг моддий аҳволи ҳам аксарият қониқарли эмасди. Масалан, уларнинг 1/3 қисми иш ҳайвонига эга бўлмаганлар. Шу сабабли ҳам уларнинг кўпчилиги ерни ижарага олишга мажбур бўлганлар. Баъзи майда хўжалиқлар ўз ерларини ҳам ижарага топширганлар. Ушбу хўжалиқларнинг кўп қисмининг ҳаёти анча оғир кечиб, доимий етишмовчилик ва қарзга ботиб яшашдан қийналганлар.

Қишлоқдаги яна бир қатлам – чорикорлар бўлиб, улар оғзаки келишувга кўра бойнинг ерида шерикчилик асосида меҳнат қилишган. Чорикор ўз меҳнат қуролига, иш ҳайвонига эга йўқлигига қараб ҳосилнинг 1/2, 1/3, 1/4, 1/5 ва бошқа кичик қисмига эга бўлиши мумкин эди. Ер эгаси келишув шартлари оғзаки бўлгани боис, ҳосил йиғиш вақтида алдамчилик ва ғаламислик йўлига ҳам ўтиб олиши мумкин эди. Чорикор ўз оиласи билан бой хизматида бўлар, йил давомида кўп нарсани, жумладан озиқ-овқатни ҳам бойдан қарзга оларди. Чорикорнинг аёли ҳам бойнинг хонадонига бевосита хизмат кўрсатарди. Йил охирида бой олинган қарзларни пеш қилиб, чорикорнинг хизмат ҳақини жуда оз тўлар, баъзида олинган қарзлар унинг меҳнатидан ҳам ортиқ дея баҳоланиб, олдинги қарзлар ҳам бўйнига илиб қўйиларди. Қишлоқда мавжуд ҳунарманд доимий шу касб билан шуғулланмай, уни мавсумий бажарарди[18]. Фарғонанинг аксарият қишлоқларида деҳқонлар куз-қиш мавсумида тегишли ҳунармандчилик соҳаси билан машғул бўлардилар. “Муқаддас жойлар”, зиёратгоҳ, азиз-авлиёлар қабрлари, мақбаралари жойлашган катта қишлоқларда (масалан, Шохимардон, Ўш яқинида, Андижон уезди, Наманган уезди қишлоқлари) дарвишлар гуруҳлари кўним топишганди. Фарғона қишлоқлари аҳоли таркиби 20-йиллар бошларида деярли



шу тарика сақланиб қолган эди. Тўғри, иқтисодий қийинчилик, очарчилик, турли касалликларнинг авж олиши, советларга қарши қуролли ҳаракат, қишлоқларда рўй берган талончилик, зўравонлик бу таркибга маълум даражада таъсир кўрсатган бўлсада, лекин унинг моҳиятини ўзгартирмади. Юқорида таъкидланганидек, ер-сув ислоҳоти ҳам вазиятни аввал бошида кескин ўзгартирмади. Аксинча, НЭП даврида ўзгариш ва тикланиш ишларида якка хўжаликларнинг ўрни катта бўлди.

Натуралсолиқнинг жорий этилиши, ерни ижарага берилиши, ёлланма меҳнатдан фойдаланишга рухсат берилиши, эркин айирбошлов, эркин нархларга йўл очилиши, республика ичида пахтани сотиб олиш монополиясига чек қўйилиши, пахтага қатъий нархларнинг ўрнатилиниши, пахтакор деҳқонларга иқтисодий рағбат ва имтиёзлар берилиши, қишлоқ хўжалиги ва кредит кооперациясининг ривож топиши якка хўжаликларга катта ёрдам берди. Совет ҳукумати масалага “синфий-партиявий” ёндашувни давом эттириб, бу йўналишдаги ишларга тегишли тўсиқларни ҳам қўйди [19]. Масалан, ижара муносабатлари ва ёлланма меҳнатга фақат “меҳнаткаш хўжаликлар” учун рухсат берилди. 1922 йил апрелида жорий этилган ягона натурал солиқ аввал бошида ялпи ҳосилнинг 10% дан олинган бўлса, кейинчалик унга табақалашган даража жорий этилди. Мисол учун 2 десятинагача ери бор хўжалик - 5%, 2 дан 4 десятинагача ери борлар – 10%, 4 десятинадан 6 десятинагача ерлари мавжуд хўжаликлар ўз ҳосилларидан 12%, 6-8 десятина экин майдонидан ҳосил олувчилар – 14%, 8 дан 10 десятинагача экин майдони борлар – 16% ва ҳоказо тартибда солиқ тўлаганлар [20].

Бундай тартиб кооперативларга қабул қилишда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, ўзига тўқ хўжаликлар ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан кооперативларга кириш учун 2 баравар, камбағал деҳқонга нисбатан 12 баравар кўп взнос пули тўлаганлар. Қишлоқ хўжалиги банклари ҳам кооператив аъзосига 12% ли кредит берса, хусусий тартибда мурожаат этган деҳқон учун фоиз ставкасини 37-39% деб белгилар эди. Бу шубҳасиз, товар-пул муносабатлари эркинлаштирилган бир вақтда ерни ишлашни билувчи, бу борада катта тажрибага эга бўлган иқтисодий мустақкам хўжаликларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаолиятларини чеклаш билан характерланар эди. Таъкидлаш жоизки, 1922 йилдаги очарчилик, нарх-навонинг кескин (182 баровар) ошиши, қишлоқда Россиядан қочиб келган аҳолини ўрнаша бошлаши ҳам ижтимоий ҳаётга маълум даражада таъсир кўрсатди.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини барибир ҳам ўзгартира олмади. Совет ҳукуматини иқтисодий соҳадаги саъй-ҳаркатлари аслида Туркистондаги ер-сув муносабатларини деярли ўзгартирмади. Бу хусусда Туркистон Компартиясининг 1923 йил мартда бўлиб ўтган VII съездида ҳам сўз бориб, унда ўлкадаги “ерга эгалик муносабатлари аввалгидек қолганлиги”, тан олинган эди [21]. Агар 1917 ва 1922 йилдаги қишлоқ ижтимоий ҳаёти тузилмаси қиёсий таҳлил этилганда қуйидагиларни кўриш мумкин эди:

Йиллар	ерсиз	1 дес.гача	1-2 дес.	2 дес.дан кўп
1917 йил	11,3%	32,6%	20,6%	35,5%
1922 йил	12%	36%	30%	22%

1921-1922 йилдаги ер-сув ислохоти ҳам масаласини аввалида қайд этилганидек, унинг моҳиятига деярли таъсир кўрсатмади. Фарғона вилоятида ерга экин экмайдиган хўжаликлар сони 22,0% дан 9,3% га тушиб, 3 дан 10 десятинага қадар ери бор хўжаликлар 12,4% дан 10,0%га, 10 десятинадан зиёда ери борлар 0,7% дан 0,5% гача камайди. Лекин, иккинчи томондан 1 десятинагача ери борлар 16,9% дан 23,3% га, 1 десятинадан 2 десятинагача ери мавжудлар 22,7% дан 26,4% гача ва ниҳоят 2 десятинадан 3 десятинагача ер бор хўжаликлар сони 10,9% дан 12,2% гача кўтарилди[22]. Аҳолини ишчи ҳайвон, кўй-кўзи, парранда, меҳнат қуролига эга бўлиш даражаси нисбатан кўтарилди. Лекин, бошқа томондан камбағал ва ерсизлар орасида иш ҳайвони ва меҳнат қуроллари кескин етишмас, хусусан экин майдонига эга бўлмаган хўжаликларнинг 87,9% ҳеч қандай иш ҳайвонига эга эмасдилар. Биргина Фарғона вилояти кишлоқларининг ўзида 100 минг қорамолга эҳтиёж мавжуд эди[23].

Камбағаллар орасида то 20-йиллар ўрталарига қадар тўйиб овқат емаслик, ерни ҳайдаш нархининг кескин ошиб ва бошқалар туфайли қаттиқ азият чекишлари сақланиб қолинган эди.

Дехқонлар учун бу пайтда етиштирилган маҳсулот учун тегишли товарлар сотиб олиш имконияти кескин нарх-наво ўсиши муносабати билан катта қийинчилик туғдирган. Масалан, 4-6 десятина ери бор хўжалик озиқ-овқат, еб-ичиш учун ўртача 56,15 червонец рубль сарфласа, 0,5 – 1 десятина ери бор хўжалик бу мақсадга йилига фақат 25,54 червонец рубль сарф қила оларди. Кийим-кечак ва оёқ-кийим, бошқа маиший турмуш тарзи уун керак бўладиган нарсалар учун ҳам жуда оз миқдорда пул ажратилинар эди[24]. Бу пайтда аҳвол шу даражага тушиб қолдики, 1 пуд буғдой нархига бор-йўғи 2-2,5 аршин чит сотиб олиш мумкин эди холос.


Аҳолининг бу каби оғир турмуш тарзи, иқтисодий ўсиш кузатилиши билан оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимининг амалга ошмаётганлиги Туркистон Компартиясининг 1923 йил мартада бўлиб ўтган VII Съезди ҳамда ўлка Советларининг 1924 йил январдаги XII съездида ҳам тан олинган эди[25].

Масалага хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, XX аср 20-йиллари бошларида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасига жорий этилган Янги иқтисодий сиёсат халқ хўжалигини тиклаш, бозор муносабатлари механизмини ишга тушишига, етилиб қолган ижтимоий муаммоларнинг иқтисодий базасини яратишга имкон яратди. Лекин мазкур сиёсатнинг Компартиянинг мафкуравий қоидалари асосида назоратга олинishi, кўп жойларда унинг ҳаракат механизмига тўсиқ қўйилиши иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий соҳасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Мазкур даврга келиб Янги иқтисодий сиёсат бозор муносабатларини тиклаш билан боғлиқ жараёнда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги оғир муаммоларни юзага олиб чиқди. Улар қаторида ишсизлик ва унинг ўсиб бориши, инфляция, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги оғир

аҳвол, транспорт тизимини издан чиқиши, юқумли касалликларнинг тарқалиши, мисли кўрилмаган даражадаги очарчилик, қашшоқлик, оддий кундалик эҳтиёж молларининг йўқлиги, шундай вазиятда жинойтчилик, талончиликнинг авж олиши, эртанги кунга ишончнинг сўниши, одамларнинг ўз уй-жойларини ташлаб кета бошлаши ва бошқаларни санаб кўрсатиш мумкин. Совет ҳукумати Янги иқтисодий сиёсатни ҳаётга татбиқ эта бошлагани билан лекин унинг ижтимоий соҳа, кишилар кундалик турмуш тарзида қай тарзда таъсир этиши борасида тегишли сиёсатни амалга оширишни кун тартибига қўймаган эди. Шу боис ҳам ижтимоий тузилма, ижтимоий ҳолат ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда бир томонлама, тажриба-синов тариқасида, у ёки бу муаммогагина эътиборни қаратган ҳолда амалга оширилиб, ушбу масаланинг илдизини таҳлил этишга тегишли эътибор берилмади. Туркистон ўлкаси, хусусан Фарғона вилояти аҳли юқорида қайд этилган сиёсат ўтказилишидаги қарама-қаршилик ва зиддиятларини ўз елкаларида санаб билдилар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б. 179
2. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 1197 – иш, 19-21- варақлар
3. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 1197 – иш, 18-19- варақлар.
4. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. –Тошкент: Фан,1992. С.47.
5. Ўша жойда.76-бет.
6. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 1197 – иш, 18-19- варақлар.
7. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 1197 – иш, 19- варақ.
8. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 93 – иш, 93-94- варақлар.
9. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Тошкент: Фан,1992. – С.47.
10. ЎЗРМДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 45 – иш, 380- варақ
11. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Тошкент: Фан,1992. – С.49.
12. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Тошкент: Шарк, 2000. – С.493.
13. Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Автореферат дисс.докт.ист.наук. Т.,1995. С.15-17.
14. Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. – Тошкент: Фан,1984. – С.111-124.
15. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Тошкен : Фан,1992. – С.64.
16. Юлдашев А.Аграрные отношения в Туркестане. – Тошкент: Узбекистан,1969. – С.184.



17. Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. - Тошкент: Фан, 1984. – С.118; Земельно-водная реформа в Средней Азии. - М.-Л.,1927. – С.21.

18. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Тошкент: Фан,1992. – С.66.

19. Кара-Мурза С. Советская цивилизация. Книга 1. – М.,2002. – С.13.

20. Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX-30-е годы XX в.). – Тошкент: Aloqachi, 2009. – С.98.

21. Ўша жойда. 99-бет.

22. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Тошкент: Шарк, 2000. – С.509.

23. ЎзРМДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2111 – иш, 140- варақ; Шулимов Г.О динамичных процессах в развитии хлопководства Узбекистана// На аграрном фронте. – М.,1927. №1. – С.87.

24. Бюллетень ЦСУ УзССР. – Т.,1925. №12. – С.74-76.

25. История Узбекской ССР. В 4-х томах.Т.III. – Тошкент: Фан, 1967. – С.365.